

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА САЛБИЙ ТАЬСИР КЎРСАТУВЧИ  
ИЖТИМОИЙ ИЛЛАТЛАРНИНГ ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ ВА  
ИЖТИМОИЙ ХАВФИ**

*ИИВ Академияси 3-ўқув курси  
306-гурух курсанти  
Калбайев.Б.И*

### **Аннотация**

Ушбу диплом ишида вояга етмаганларга салбий таъсир кўрсатувчи ижтимоий иллатларнинг олдини олиш тушунчаси, унинг ўзига хос хусусиятлари, фаолиятда юзага келадиган муаммо ва камчиликлар, шунингдек, ушбу муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича бир қатор таклифлар, илғор хориж тажрибаси ва миллий қонунчилигимизнинг ўхшаш ва фарқли томонлари, фаолиятни такомиллаштириш йўналишлари ёритилган.

### **Annotation**

In this degree affair involves the concept of assisting to prevent from affect of social habits of teenagers, and function of them, the problem which comes from during the working period and also suggestions to ease the problems and lacks, the experience of foreign and national legal similar and different sides, and of course, it indicates developing ways of them.

Сўнгии йилларда ислохотларнинг аксарияти ёшларнинг истиқболи, уларнинг камол топиши ва жамиятда ўз ўрнини топишга каратилмоқда. Шундай экан вояга етмаганлар масаласи айникса вояга етмаганларнинг хукуқбузарлиги бугунги кунда долзарб масалалардан хисобланади.

Вояга етмаган - ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс.<sup>1</sup>

Бугунги ислохотлар самараси ўларок мамлакатимизда хар жихатдан баркамол авлодни тарбиялашга оиланинг ўрнини кўчайтириши лозим. Шундай экан оиласда фарзанд тарбияси бола туғилиши биланок бошланиши лозим. Фарзанд улғайган сайин жамиятда рўй берадиган вокеаходисаларни, ота-онасидан ўргангандастлабки тажрибаси асосида, яхшиёмонга ажратади.

Ўтган давр мобайнида республикамида хукуқбузарликлар профилактикаси ва ёшлар билан ишлаш тизимини самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрьдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ти ЎРҚ-263-сон қонуни.

Бугунги кунда вояга етмаганларга салбий таъсир кўрсатувчи ижтимоий иллатларининг олдини олишда, қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик муносабатини шакллантириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, ушбу ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш (зарарсизлантириш), ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган вояга етмаганларни тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқбузарлик жабрланувчисига айланиши хавфини камайтиришга йўналтирилган профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирларининг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хусусан ички ишлар органлари фаолиятига қўйилаётган қўйилаётган асосий талаблардан бири, ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан қарши курашиш эмас, балки уларнинг барвақт профилактикасини амалга оширишни таъминлашdir.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг З-моддасида“ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” тушунчаси берилиб, “ҳуқуқбузарликлар барвақт профилактикаси” тушунчаси берилмаган. Қонун ҳужжатларидағи бундай бўшлиқ ҳуқуқни қўллаш амалиётида, айниқса ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини амалга оширишда қатор тушунмовчилик ва муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий мажлисга мурожаатномасида: “Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилишни бошладик. Нафақат вояга етмаганлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади”<sup>2</sup>, - таъкидлаб, вояга етмаганлар тарбиясида илм ва маърифатнинг муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб ўтди.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон қарори<sup>3</sup>да инспектор-психологлар зиммасига ҳар бир ўқувчи кесимида умумий ўрта таълим муассасаларида психологик мұхитни яхшилаш, вояга етмаганлар орасыда қонунбузилишларга муросасиз муносабатда бўлиш ҳиссини шакллантириш, муаммоли ўқувчилар билан уларнинг яшаш жойларида ота-оналари иштирокида манзилли ишлаш вазифаларини юклаш.

Белгилаб қўйилсинки, 2021 йилда умумий ўрта таълим муассасаларининг 2 000 та психолог штат бирлигини жорий йилнинг 1 июлидан қисқартириш эвазига 1 100 та инспектор-психолог штат бирлиги киритилади ва 2022 йилда қўшимча 900 та штат бирлигини киритиш орқали уларнинг сони 2000 тагача етказилади. Шу боис ўқувчи ёшларнинг онгиға зарар етказиши мумкин бўлган ахлоқсизликни тарғиб қилувчи контентлар, диний адоватни қўзғатувчи, таваккалчиликка асосланган онлайн ўйинлар, тотализаторлар, оилавий қадриятларни инкор этадиган ҳамда жамиятда бузғунчилик ғояларини тарғиб этадиган веб-ресурсларга қарши курашиш биргаликдаги устувор вазифа эканлиги таъкидланди. Мажлисда сенаторлар Интернет жаҳон ахборот тармоғида ёшлар ва вояга етмаганлар учун миллий контентни ривожлантириш, уларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш ва зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориши тўғрисида қарор қабул қилди

Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, вояга етмаганлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдига ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

Шу боис, уюшмаган вояга етмаганлар томонидан содир этилган ғайриқонуний қилмишларнинг оқибатларига қарши курашиш эмас, балки мазкур ҳолатларнинг барвақт олдини олиш ва профилактикасини таъминлаш сиёсатимизнинг устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифасига айланди.

Таъкидлаш керакки, «вояга етмаганлар билан ишлаш тизимини уларни Ватанга мұхаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, ўсиб келаётган ёш авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ҳолда ривожлантириш» мұхим аҳамият касб этмоқда.

Ёш авлод маънавий оламининг дахлсизлигини асраш йўллари:  
- мустақил фикрга эга, соғлом негизда шаклланган дунёқарашиб

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон қарори

мустаҳкам иродага эга шахсларни тарбиялаш;  
 - ёшлар қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болаликдан шакллантириш;  
 - мафкуравий таҳдидларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш;  
 -шарқона ахлоқ меъёрларига риоя килиш;  
 - таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар қандай тарбия жараёни охир оқибат ўз максад ва оқибатига кўра ғоявий тарбиядир. Чунки, оилани ёки болалар боғчасини, маҳалла, мактаб, коллеж, университет ёки академияни оламизми ҳаммасида таълим ва тарбия жараёнлари ўқувчилар дунёқарашини кенгайтириши, уларнинг онгини илмий асосланган билимлар билан бойитиши ҳамда жамият учун, унинг равнақи учун керак бўлган сифатларни камол топтиришга йўналтирилган бўлади. Бу ишлар боланинг дунё ҳақидаги, оламнинг ривожланиш қонуниятлари, инсоний муносабатлар борасидаги ўзига хосликлар, ахлоқ тамойиллари, гўзаллик ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиришга хизмат қиласди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Ички ишлар органлари ходимларининг асосий вазифаси жиноятларни барвақт аниқлаш ва олдини олишдан иборат»<sup>4</sup> профилактика инспекторларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари васодир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш фаолиятида

*биринчидан*, вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон бераётган шартшароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, ҳисобини юритиш ва бартараф этиш борасида самарали чораларни ишлаб чиқишига;

*иккинчидан*, ушбу тоифадаги шахслар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга;

*учинчидан*, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил, вақтинча ишсиз, назоратсиз ва қаровсиз аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва вояга етмаганларни ўз вақтида аниқлаш, улар билан профилактик ишларни тўғри ташкил этишга;

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи – 2017. – 10 ноябр

түртмичидан, уюшмаган вояга етмаганлар томонидан содир этилган хуқуқбузарликларнинг сабаб шароитлари ҳақида хуқуқий тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш борасида хуқуқий тарғибот ишларини кучайтиришга хизмат қиласди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ҳозирги глобаллашув шароитида ёшларни турли маънавий ва мафкуравий таҳдидлардан, заарли илларлардан ҳимоялаш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Бунинг учун эса, ёшларни мафкуравий жиҳатдан қуроллантириб бориш, таҳдидлар ва тазиқлар хусусида улар хавф туғдирмасидан аввал маълумотга эга бўлиб боришларига шароит яратиш ҳамда доимо огоҳлик, дахлдорлик туйғуларини қалбларимизда мужассам этиб боришимиз лозим.

Зеро, вояга етмаганларни тарбиялашнинг муҳим йўналиши - уларни илм-маърифатли қилишдир, ўз навбатида уларни илммаърифатли қилишнинг муҳим йўналиши – бу тарбиядир. Бу эса таълим ва тарбиянинг чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ҳозирги глобаллашув шароитида ёшларни турли маънавий ва мафкуравий таҳдидлардан, заарли илларлардан ҳимоялаш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Бунинг учун эса, ёшларни мафкуравий жиҳатдан қуроллантириб бориш, таҳдидлар ва тазиқлар хусусида улар хавф туғдирмасидан аввал маълумотга эга бўлиб боришларига шароит яратиш ҳамда доимо огоҳлик, дахлдорлик туйғуларини қалбларимизда мужассам этиб боришимиз лозим

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Концитутсияси-2024 йил
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси-2024
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси-2024
4. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрьдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сон қонуни
5. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сонли фармони

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли қарори
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси

